



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KUFON PALATASI

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2009 йил 21 ноябрь, № 227 (4890)

Шанба

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР САЛОҲИЯТИ

корхонанинг сифатли, арзон маҳсулотлар ишлаб чиқариши ва жадал иқтисодий ривожда муҳим ўрин тутди

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири, бу — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини кескин даражада оширишдан иборат. Қувонарлиси, бугунги кунда шу мақсадда жойларда акциядорлик жамиятларининг устав фондларидаги давлат улушини камайтириш, уларнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш борасида изчил саъй-ҳаракатлар олиб борилаётир. Бу эса, табиийки, ўз самарасини бермоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги "Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва объектларини хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарориди, маълумки, Урганч шах-

Инфратузилма

ридаги "Хоразм ипаги" акциядорлик жамиятининг 30,3 фоизлик давлат улуши ва активларини инвестиция кириштириш эвазига инвесторга бепул бериш белгиланган эди. Ушбу масала бўйича қонунчиликда кўрсатилган тартибда ўтказилган тендерда тадбиркор Ш. Ҳалимов ана шу корхонага 410 миллион сўм миқдорда сармоя кириштириш ҳисобига ғолиб бўлди. Ўтган даврда инвестор ўз зиммасидаги мажбуриятни белгиланган муддатда бажарибгина қолмай, балки корхонага янги-ча ҳаёт бағишлай олди: бу ердаги эски дастгоҳлар янгилаштирилди, 50 та қўшимча иш ўрни яратилди.

(Давоми 2-бетда).



СУРАТДА: ипак йиғирувчи Мавлуда Жуманазарова.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси олдидан



Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ АСОСИ

Сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари қатнашган тадбирда мамлакатимизнинг асосий макроекономик қўрсаткичлари, солиқ ва бюджет сис-темасининг йўналишлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджети параметрлари муҳокама этилди.

Кўмита йиғилишида таъкидланганидек, парламентимиз юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида муҳокама этилиши кутилаётган мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати макроекономик барқарорлик ва ялпи ички маҳсулотнинг юқори суратларда ўсишини таъминлашга, республика иқтисодиёти корхона ва тармоқларини техник ҳамда технологик жиҳатдан янгилашга, аҳолининг фаровонлигини юксалтиришга йўналтирилган. Дарҳақиқат, 2010 йилги Давлат бюджети параметрларида Президентимиз бошчилигида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чораларнинг 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган дастурини изчил амалга ошириш ҳам инобатга олинган. Бунда, айниқса, ҳўжа-ларни юртдаги субъектлар зиммасидаги солиқ юкунини янада энгиллаштиришга, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, фуқароларнинг даромадларини кўпайтириш ҳамда аҳолининг ҳарид қобилиятини оширишга, солиқда тортиш тизимини сод-

далаштиришга алоҳида эътибор берилди. Жумладан, юридик шахслар даромаддан олинган фойда солиғи ставкасининг 10 фоиздан 9 фоизга камайтирилиши кўзда тутилди. Бунинг натижасида ҳўжалик юритувчи субъектлар тасарруфиди 52 миллиард сўмдан ортқ маблаг қолади. Табиийки, ушбу маблаглар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватини янада мустаҳкамлашга хизмат қиладди.

— Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджети харажатлар қисмида ижтимоий соҳага йўналтирилган маблаглар кўлами янада кенгайтирилади, — дейди Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси Б. Иминов. — Чунинки, мазкур йўналишдаги харажатлар 2009 йилда 55,6 фоизни ташкил этган бўлса, келгуси йилда бу кўрсаткич 59,1 фоизга етказилмоқда. Бунда солиқни сақлаш, таълим тизими, аҳолининг ижтимоий ҳўжмага муҳтож қисмини манзилли қўллаб-қувватлаш бўйича харажатларни кўпайтириш, иш ҳақи, пенсиялар ва нафақаларни ошириш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Давлат бюджети харажатлар қисмида иқтисодиётимиз етакчи тармоқ ва корхоналарини мақсадли қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилгани эътиборга лойиқ.

(Давоми 2-бетда).

ҲАР БИР ФАРЗАНДА МЕҲР-ЭЪТИБОРДА

Шу мавзудаги ҳафталик давом этмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда ёш авлод камолоти ва истиқболи йўлида ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳўқ-манфаатларини таъминлаш, пухта билим ва тарбия олиши учун зарур шароит ҳамда имкониятларни яратиш барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли, изчил ислохотларнинг пировард мақсадини ташкил этади.

"Sen Yolg'iz Emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси ва Ўзбекистон Болалар жамғармаси ҳамкорлигида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимизда бошланган "Ҳар бир фарзанда меҳр-эътибор!" мавзудаги ҳафталик доирасидаги ёрқин, ранг-баранг тадбирларда ҳам бу жиҳатлар яна бир қарра ўз ифодасини топомоқда. Юртимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу ҳафталик Бола ҳўқуқлари тўғрисидаги конвенция қабул қилинганининг 20 йиллигига бағишланган.

Ҳафталикнинг илк тадбири пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида "Sen Yolg'iz Emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида "Юртимизнинг бахтиёр фарзандларимиз!" мавзудаги кеча билан бошланди. Унга Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, махсус мактабларнинг ўқувчилари, болалар бадиий ижодиёт марказларининг қатнашчилари тақриф этилди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан истиқлолнинг дастлабки йилларидан бола ҳўқуқлари, эркинлик ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, жисмоний, интеллектуал, маънавий камол топишига яқиндан қўмақлашининг изчил ва мустаҳкам механизми яратилган.

1992 йили мамлакатимизда ратификация қилинган Бола ҳўқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг асосий тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ёшларнинг билим ва тарбия олиши, саломатлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий, ҳўқуқий ҳўжояланиши, ижодий-интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариши, қизиқиш, қобилияти ва лаёқати бўйича қасб-хўнар эгаллашини таъминлашга қаратилган миллий қўнчилигимиз меъёрилариди ўз ифодасини топан.

"Таълим тўғрисида"ги, "Бола ҳўқуқларининг қафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа

ҳўқуқий-меъёрий ҳўжатларнинг кенг татбиқ этилиши орқали болалар, ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳўқуқларини самарали муҳофаза этиш, уларнинг баркамол ривожланиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратилди.

Бу ҳўжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш натижасида жакон андозлари даражасидаги билим масканлари, болалар мусика ва санъат, спорт мактаблари, ижодиёт марказлари, соғломлаштириш мажмуалари бунёд этилмоқда. Айни пайтда уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий жиҳозлар билан таъминлаш, ёшларга билим бериш, саломатлигини мустаҳкамлашга оид чора-тадбирларнинг сифати янада юқори поғонага кўтаришда бўндай эзу ишлар жараёнида алоҳида эътиборга муҳтож, ота-она меҳридан бебаҳра болаларни ҳўжоялаш, уларнинг таълим олиши, истеъдодини намоён этиши, қасб-хўнар эгаллаши ва жамиятимиздан муносиб ўрин топиши учун яқиндан қўмақлаш, Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар фаолиятини янада яхшилаш ва тақомиллаштириш муҳим ўрин тутди.

(Давоми 2-бетда).

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ



20 ноябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида сиёсий партиялар вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мажлиси Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов бошқарди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш масаласи кўриб чиқилди. Мажлисида таъкидланганидек, Марказий сайлов комиссияси сайлов қўнчилиги талабларига мувофиқ, сиёсий партиялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳўжатларнинг қонунга мувофиқлигини батафсил текширди.

Марказий сайлов комиссияси текшириш якуналарига қўра ва Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида"ги Қўнчилиги 26-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнчилик палатаси депутатлигига 517 номзодни, шу жумладан, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан 123, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан 125, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 135, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 134 ном-

зодни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди. Таъкидлангани, сиёсий партиялар томонидан Қўнчилик палатаси депутатлигига номзодларни кўрсатиш бўйича барча тадбирлар қўнчилик талабларига қатъий мувофиқ ҳолда, ошқоралик ва очиклик мурутида амалга оширилган.

Рўйхатга олинган депутатликка номзодларнинг рўйхати маҳаллий матбуотда эълон қилинади.

Шу кунини Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида мамлакатимиз ва чет эл журналистлари учун матбуот анкумани ўтказилди. Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов оммавий ахборот воситалари ходимларига Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси ҳақида ахборот бериш ва журналистларни мазкур мажлисда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнчилик палатаси депутатлигига сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида"ги қарор билан таништирди. Марказий сайлов комиссияси раиси ўз сўзида таъкидланганидек, сиёсий

партиялар томонидан Қўнчилик палатаси депутатлигига номзодларни кўрсатиш борасидаги ишлар сайлов қўнчилиги талабларига қатъий амал қилинган ҳолда амалга оширилди. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида"ги Қўнчилик 22-моддасига мувофиқ, рўйхатга олинган 517 депутатликка номзоднинг 31,9 фоизини хотин-қизлар, шу жумладан, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан рўйхатга олинган номзодларнинг 31,7 фоизини, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан рўйхатга олинган номзодларнинг 32 фоизини, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан рўйхатга олинган номзодларнинг 33,3 фоизини, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан рўйхатга олинган номзодларнинг 30,6 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.

Парламент қўни палатаси депутатлигига номзодлар орасида ишлаб чиқариш соҳаси, кичик ва хўсусий бизнес вакиллари, фермерлар кўпчилигини ташкил қиладди. Депутатликка номзодлар орасида, шунингдек, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, жамоат биллашмалари соҳалари вакиллари, иқтисодий партиялар, шунингдек, қўнч ижодкорлиги борасида катта таърибага эга олимлар ва ҳўқуқшунослар ҳам бор.

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

ТОШКЕНТ. Асосий Қўнчимиз ўн етти йилдан бунён юртимизда миллий давлатчилик, эркин ва обод жамият қуриш, инсон ҳўқуқ ва манфаатларини таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтиришда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Конституция, демократия ва маънавият

Конституцияимизда белгиланган нормаларнинг изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётгани давлатимизнинг сиёсий, иқтисодий ва бошқа жабҳаларда салохияти тобора юксалтиришга, халқро миқёсда кенг эътироф этилаётганида намоён бўлаётир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳўзуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида конституция, демократия ва миллий маънавият мавзусига бағишланган ўтказилган давра суҳбатиди шулар ҳақида сўз борди. Унда академия тингловчилари, профессор-ўқитувчилари, турли вазирлик ва идоралар, ўқув юртлари мутахассислари иштирок этди.

Академия ректори Қ. Назаров, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси ўринбосари Б. Мирбобоев, Ички ишлар вазирлиги академияси қафедра бошлиғи Х. Одиқориев

(Давоми 2-бетда).

ФАРФОНА. Риштон туманида фаолият кўрсатаётган "Рус-Ўзбек-Текс" қўшма корхонасида модернизация ишлари амалга оширилган, бу ерда тайёрланаётган қалава ип маҳсулотлари ташқи бозорда ҳам ўз хариддорларини топи.

Асосий маҳсулот — хорижга

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 93 фоизи ёки 2345 тоннаси экспорт қилинди.

Ҳозирда янги қувватларнинг ишга туширилиши ҳисобига бу ерда ойига 300 тонна маҳсулот тайёрланмоқда.

Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН. Қўнғирот туманида пишққ гўшт ишлаб чиқаришга иқтисослашган "Қўнғирот-гўшт" маъсулияти чекланган жамияти иш бошлади.

Қўнғиротда гўшт заводи

Айни пайтда бу ерда замонавий тежаамкор технологиялар ёрдамида кунига 40 минг дона сифатли қурилиш хом ашёси тайёрланмоқда.

Эътиборлиси, корхона ишга туширилиши билан 25 киши доимий иш билан таъминланди.

Х. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖИЗЗАХ шаҳрида умумтаълим мактаблари учун мўлжалланган дарсликлар ва қўлланмаларнинг иқтисослаштирилган кўргазма-ярмаркаси ташкил этилди.

Ўқув қўлланмалари кўргазмаси

Унда республикаимиздаги наشريётлар томонидан тайёрланган 332 номдаги дарслик ҳамда адабиётлар намойиши қилинмоқда.

Тадбир давомида янги дарсликлар яратиш борасида мутахассис-педагогларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганилмоқда. Шунингдек, ўқув қўлланмаларини савдога чиқариш бўйича буюртмалар ҳам қабул қилинаётир.

Б. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнчилик палатаси сайловиди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнчилик палатаси сайловиди иштирок этаётган депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар учун сайловолди ташвиқоти даврида оммавий ахборот воситаларида фойдаланишда тенг шароитлар яратиш, сиёсий партияларнинг ўз сайловолди дастурлари билан чиқуш ҳўқуқини таъминлаш мақсадида, Марказий сайлов комиссияси қарорига биноан, уларнинг оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари алифбо тартибиди амалга оширилиши белгиланган бўлиди.

Матбуот анкуманида сиёсий қурашнинг адолатли ва очик олиб борилиши учун барча депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга тенг ва кенг имкониятлар яратишга сиёсий плюрализм асосидаги соғлом рақобатни таъминлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов журналистларни қўнчилиги билан саволларга жавоб қайтарди.

Олим ТўРАҚУЛОВ, ЎзА мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Ўсиш кузатилиши мумкин

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD) келгуси йилда sanoat соҳасида етакчи саналган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръати 1,9 фоизни ташкил этиши мумкинлигини билдирди.

Бу кўрсаткич 2011 йилда 2,5 фоизга етиши тахмин қилинмоқда. Таъкидлаш жоизки, мазкур ташкилот жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бошланганидан буён илк бор шундай башоратларни илгари сурмоқда. Жумладан, 2010 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми АҚШда 2,5 фоизга, Европа Иттифоқи ҳудудда 0,9, Японияда 1,8, Хитойда эса 10,2 фоизга ўсиши келтириб ўтилган.

Антарктика об-ҳавоси

Музликлар даври оралиғида Антарктикада ҳарорат анча илқ бўлган. Бу ҳақдаги тадқиқот натижалари "Nature" журналида чоп этилди.

Маълумки, ўтмишда Ерда об-ҳаво бир неча бор кескин исиб ва совиб кетган. Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Антарктиканинг шарқий қисми бундан 340 минг йил муқаддам 6 даража илқ бўлган. Ушбу ҳулоса океан суви сатҳининг кўтарилиб бораётгани билан боғлиқ қарашларни қайта кўриб чиқишни таъқозо этади. Чунки ўтмишда сайёрамиздаги ҳарорат ҳозиргига қараганда илқроқ бўлиши билан бирга, уммонларнинг сатҳи ҳам 4-6 метр юқори бўлган.

Товон пули можароси

Флорида суди ҳайъати тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи маҳаллий компаниялардан бири — "Philip Morris USA" устидан ҳукм чиқарди.

"Associated Press" ахборот агентлиги хабарига кўра, компания энгил эмфизема касаллигига чалинган 61 ёшли Синди Ногла 300 миллион доллар миқдорда тоvon пули тўлаши лозим. Жабранувчининг адвокатлари "Philip Morris USA" чеку-



чиларни хасталикка чалинши ақтимоли борлигидан ўз вақтида оғохлантормагани учун жавобгарликка тортилганини айтишди. Ўз навбатида, компания суднинг ушбу қарори қайта кўриб чиқиши учун ҳаракат қилишини билдирди.

Миллиардерлар кўпайган

"Forbes India" журналида ёзилишича, сўнгги бир йилда Ҳиндистонда миллиардерлар сонини 27 нафардан 52 нафарга етган.

Бу мамлакат миллий иқтисодиётининг оёққа тураётгани ва фонд бозорида ўсиш кузатилаётгани билан боғлиқ, албатта. Бойлар орасида "Reliance" компанияси раҳбари Мунеш Амбани 32 миллиард АҚШ долларини билан етакчилик қилмоқда. Кейинги ўринларда пўлат куйиш

соҳасидаги йирик сармоядор Лакшми Миттал (30 миллиард доллар) ва Мукеш Амбанининг акиси Анил (17,5 миллиард доллар) қайд этилган. Умуман, ушбу мамлакатдаги 100 нафар пўлдорнинг ҳозирги молиявий сармояси 276 миллиард АҚШ долларини ташкил этаркан.

Чора-тадбирлар янада кучайтирилди

Москва шаҳрида А/Н1Н1 гриппини юқтирган 43 киши шифокорлар назоратига олинди, дейилди "Интерфакс" ахборотида.

Шаҳар соғлиқни сақлаш департаменти бошлигининг изоҳлашича, лаборатория текширувлари, ҳақиқатан ҳам уларда хавфли хасталик аломатлари борлигини тасдиқлаган. Шу боис ҳудудда касаллик тарқалишининг олдини олишга қарши чора-тадбирлар янада кучайтирилган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Хорижий давлатлардан берилган дипломларни нострификациялаш бўйича эксперт комиссияларининг навбатдаги махсус синовлари куйидаги муддатларда ўтказилади:

ЎҚИТУВЧИЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ СОҲАСИ

Махсус синовларни ўтказиш муддатлари ва жойлари			
Рўйхатдан ўтиш	Тест синовлари		Эксперт комиссияси йиғилиши
ДИККАТ!	Вилоятлар	Ўзбекистон тарихи ва мутахассислик фани	
Талабгорлар синовларда қатнашишлари учун 2009 йил 7, 9, 10, 11, 12 декабрь кунлари соат 9.00 дан 17.00 гача рўйхатдан ўтадилар. Рўйхатдан ўтказиш ва тест синовлари бўлиб ўтадиган жойлар вилоятлар ХТБлари томонидан 2009 йил 5 декабрдан кечиктирмасдан эълон қилинади.	Сурхондарё	18 декабрь	Вилоятда
	Қашқадарё	20 декабрь	Вилоятда
	Наманган	24 декабрь	Вилоятда
	Андижон	25 декабрь	Вилоятда
	Фарғона	26 декабрь	Вилоятда
Сирдарё ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри ўқитувчилари ДТМда рўйхатдан ўтадилар.	Қорақалпоғистон Республикаси	4 январь	Нукус шаҳрида
	Қолган вилоятлар ва Тошкент шаҳри учун	6 январь	Тошкент шаҳрида

БОШҚА СОҲАЛАР

Махсус синовларни ўтказиш муддатлари				
	Тест синовлари		Эксперт комиссияси йиғилиши	
	Ўзбекистон тарихи	Мутахассислик		Ўтиш жойи
Иқтисод	16 январь	16 январь	ДТМ	18 январь
Ҳуқуқшунослик	23 январь	23 январь	ДТМ	25 январь
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот	16 январь	16 январь	ДТМ	18 январь
Қишлоқ ҳўжалиги, муҳандислик, ишлаш бериш ва қурилиш тармоқлари	23 январь	23 январь	ДТМ	25 январь

Мазкур соҳалар учун талабгорларни рўйхатдан ўтказиш 7, 9, 10, 11, 12 декабрь кунлари соат 9.00 дан 17.00 гача ДТМда бўлиб ўтади. Манзил: Тошкент шаҳри, Богийшомол кўчаси, 12-уй. Манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шаҳқўчаси, 45-уй. Мурожаат учун телефон: 232-60-65.

Нострификация жараёнига оид маълумотлар билан Интернетдаги веб-сайтими — www.dtm.uz орқали танишишигиз мумкин. Телефонлар: (8-371) 234-46-83, 235-19-14.

ДИККАТ!

1. Рўйхатдан ўтишда барча талабгорлар нострификацияга топширган ҳужжатлари бўйича маълумотнома билан танишиб чиқиб, имзо қўйишлари керак.
2. 2004 йилдан бошлаб сиртки шаклда ўқиб олинган дипломлар нострификация қилинмайди. Махсус сиртки шаклда ўқиган ўқитувчи талабгорларга улар хорижага ўқишга киришдан олдин урта махсус маълумотга ва тегишли таълим тури бўйича 3 йилдан кам бўлмаган амалий педагогик стажга эга бўлгандагина нострификацияга рухсат берилади. Юқоридаги шартлар бажарилмаган ҳолда талабгорлар синовга қўйилмайди ва дипломлари нострификация қилинмайди.

Завод ТТЕМЗ изготавливаєт и реализует:

КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А

предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

Теперь и в ЛИЗИНГ

- максимальная грузоподъемность — 8 т
- максимальная длина стрелы — 30 м (с кареткой)
- максимальная высота подъема гор. — 41,5 м, наклонно — 57,5 м

АВТОКРАНЫ:

для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах

- КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ**
 - максимальная грузоподъемность — 14 т
 - максимальная высота подъема — 14,5 м
- КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**
 - максимальная грузоподъемность — 16 т
 - максимальная высота подъема — 22 м
- КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**
 - максимальная грузоподъемность — 25 т
 - максимальная высота подъема — 29 м (с гуськом)

ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66. E-mail: toemz@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ ва унинг вилоят филиаллари

бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

- I. РКМБ марказий аппаратининг аукцион савдоларига:**
 1. Юнусобод тумани СИБ томонидан 2009 йил 11 мартдаги 4394-93-сонли ижро ҳужжатиға асосан, Юнусобод тумани СИБда сақланаётган қуйидагилар қўйилмоқда:
 - «ВАЗ-21074-110-30» русумли, давлат рақами 10ВН105 бўлган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси, бошлангич баҳоси — 10 000 000 сўм.
 - «Дамас» русумли, давлат рақами 10ВЕ780 бўлган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси, бошлангич баҳоси — 6 270 000 сўм.**Аукцион савдоси 2009 йил 22 декабрь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.**
 2. Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситалари 2009 йил 22 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йил 12 январь кунини бўлиб ўтади.
 3. Юқоридаги автотранспорт воситалари бўйича «Частный сектор» газетасининг 2009 йил 19 октябрдаги 47-сонлида хабарнома чоп этилган.
 - 2. Аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган қуйидагилар қўйилмоқда:**
 - «ГАЗ-5312» русумли, давлат рақами 12С9719 бўлган, 1983 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси, бошлангич баҳоси — 4 696 109,6 сўм (ижро ҳужжати 16.07.2009 й., № 8051/14).
 - «Матиз» русумли, давлат рақами 11Р3766 бўлган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси, бошлангич баҳоси — 8 900 000 сўм (ижро ҳужжати 8.07.2009 й., № 7792/14).**Аукцион савдоси 2009 йил 29 декабрь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.**
 - 3. Талабгорлар диққатига!** Юқоридаги автотранспорт воситалари 2009 йил 29 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йил 19 январь кунини бўлиб ўтади.
- Шунингдек, 2009 йил 15 декабрь кунини соат 11.00 да аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан 27.10.2008 й. № 10-0807/13984, 9.10.2008 й. № 10-0815/10782,**
- 6.03.2009 й. № 10-0906/544, 6.03.2009 й. № 10-0906/534, 27.04.2009 й. № 10-0906/3095, 18.05.2009 й. № 10-0906/4820-ижро ҳужжатларига асосан, Чилнозор мавзеси, Учтепа тумани, Д-20, 46-уйда сақланаётган қуйидагилар қўйилмоқда:**
 1. «ЗИЛ-431516» русумли, давлат рақами 10АУ440 бўлган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси, бошлангич баҳоси — 7 246 952,55 сўм.
 2. «ГАЗ-3102951» русумли, давлат рақами 10АТ910 бўлган, 1995 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси, бошлангич баҳоси — 3 795 457,02 сўм.**Аукцион савдосида қатнашиш истагидеги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закат келишувига асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИТБ «Ипак йули» банки «Сарбон» филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МҲФ: 01036, ИНН: 200933850.**
Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Урозбоев кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52.
- II. РКМБ Самарқанд вилояти филиалининг аукцион савдосига Самарқанд шаҳар СИБ томонидан 2009 йил 20 январдаги 2-164-08-сонли ижро ҳужжатиға асосан, Самарқанд шаҳри, Амир Темури кўчаси, 222-уйда жойлашган, қурилиш майдони 200,98 кв.м. бўлган, 4 қаватли бино ва 22 турдан иборат мол-мулклар мулкий мажмуа сифатида қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси — 405 711 434 сўм.**
Аукцион савдоси 2009 йил 15 декабрь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.
Талабгорлар диққатига! Ушбу мулкий мажмуа 2009 йил 15 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, унинг такрорий аукцион савдоси 2010 йил 5 январь кунини бўлиб ўтади.
Аукцион савдосида қатнашиш истагидеги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закат келишувига асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Самарқанд вилояти филиалининг «Ўзсанотқурилишбанк» Самарқанд минтақавий филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:
- 20210000300571452119, МҲФ: 00317, ИНН: 200933850.**
Манзил: Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 85-«А» уй. Телефон: (8-366) 233-80-56.
- III. РКМБ Наманган вилояти филиалининг аукцион савдосига:**
 1. Косонсой тумани СИБ томонидан 2008 йил 11 январдаги 16-0403-569-сонли ижро ҳужжатиға асосан, «Косонсой» ширкат ҳўжалигига қарашли, «Ешлик» ҚФЙ, Хуррият маҳалласида жойлашган 2-иссиқхона биноси (гаров шартномасида назарда тутилган мол-мулклар) гаров шартномасига асосан қўйилмоқда, бошлангич баҳоси — 257 458 АҚШ долларини.
 2. Косонсой тумани СИБ томонидан 2008 йил 11 январдаги 16-0403-569-сонли ижро ҳужжатиға асосан, «Нам-Кон» хусусий фирмасига қарашли, Косонсой тумани, «Чиндовул» ҚФЙ, Узунқишлоқ маҳалласида жойлашган мөва шарбати ишлаб чиқариш линияси (гаров шартномасида назарда тутилган мол-мулклар) гаров шартномасига асосан қўйилмоқда, бошлангич баҳоси — 179 488 АҚШ долларини.**Аукцион савдоси 2009 йил 22 декабрь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.**
Аукцион савдосида қатнашиш истагидеги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилладиган закат келишувига асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Наманган вилояти филиалининг АИТБ «Ипотекбанк» Наманган бўлимидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000600571452072, МҲФ: 00223, ИНН: 200933850.
Манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават. Телефон: (8-369) 226-54-47.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ

куйидаги ихтисосликлар бўйича 2009 йил учун ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун академия аспирантура ва докторантурасининг вакант ўринларига қабул эълон қилади.

АСПИРАНТУРАГА:

- 08.00.01 — Иқтисодий назария.
- 08.00.07 — Молия, пул муомаласи ва кредит.
- 08.00.13 — Менежмент ва маркетинг.
- 12.00.02 — Давлат ҳуқуқи ва бошқарув, маъмурий ҳуқуқ, молия ҳуқуқи.
- 23.00.02 — Сиёсий институтлар ва жараёнлар.

ДОКТОРАНТУРАГА:

- 23.00.02 — Сиёсий институтлар ва жараёнлар.
- 12.00.02 — Давлат ҳуқуқи ва бошқарув, маъмурий ҳуқуқ, молия ҳуқуқи.

Ҳужжатлар шу йилнинг 5 декабригача қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шаҳқўчаси, 45-уй. Мурожаат учун телефон: 232-60-65.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САҲЪАТ ИНСТИТУТИ

2009 йил аспирантура, ассистентура-стажировка мутахассисликлари бўйича кундузги бўлимга қабул эълон қилади.

- 17.00.01 — Театр санъати (1 ўрин)
- 17.00.03 — Кино санъати (1 ўрин)
- 09.00.04 — Эстетика (1 ўрин)
- 17.00.08 — Маданият тарихи ва назарияси (1 ўрин)

Ассистент-стажёр (тўлов — шартнома асосида) 17.00.01 — Театр санъати (2 ўрин)

Ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мироншоҳ кўчаси, 123-уй.

Хурматли ёшлар! Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИ

олий ўқув юртларига кирувчиларни ўқишга таклиф қилади.

Тайёрлов бўлимида барча фанлар бўйича машғулотлар ташкил қилинган бўлиб, дарсларни университетнинг малакали профессор-ўқитувчилари ўрта маълумот олиш дастури доирасида, тест синовлари асосида олиб боради. Машғулотлар кунининг иккинчи ярмида соат 15.00 дан 18.00 гача ўтказилади, яъни сизда куннинг биринчи ярмида ишлаш ёки ўқиш имкони бўлади.

Ўқиш муддати — 8 ой. Тўлов нақд ёки пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Машғулотлар 2009 йил 23 ноябрдан бошланади.

Кўшимча маълумот учун телефон: 255-55-77. Манзил: Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй, Низомий номидаги ТДПУ, 3-бино, тайёрлов бўлими, 2-01-хона.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА

ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
233-10-60
236-09-25
232-10-63
242-хона

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ва Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази жамоаси етакчи илмий ходим Ирода Шамсиевага турмуш ўртоғи **Раҳман ШАМСИЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «O'zbekiston» телерадиоканали ДУК жамоаси «Маданий-матрифейл» ва бадий лам олиш ластурлар» бош муҳарририятти катта муҳарририятти Сафарова падари бузурковга **Тялвалоди ҒАҒУРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Кўнгил жиёбони

Яхшилик қилиш хислати инсон ахлоқининг кўрки, маънавий дунёсининг мезони, десак англишмай-миз. Умуман, инсон ва жамият бор экан, яхшиликнинг аҳамияти, кадр-қиммати бекиёс. Зеро, кўнгилда зулм ва ёмонлик бўлган кишилар тиргида ҳам ўлиқдир, қалбида яхшилик ва саховат барқ урган инсонлар эса ўлиғида ҳам тирикдир.

ЯХШИЛИК ЖИЛОВИНИ ТУТИНГ

Донишмандлар айтмишлар: "Яхшиликнинг асоси уч нарсада: биринчи, барчага нисбатан риёсиз камтарликда, иккинчи, миннатсиз саховатда, учинчи, ҳақ талаб қилинмайдиган хизматдадир". Алишер Навоий бу ҳақда шундай дейди: **Ки ҳар ким аён этса яхши қилиқ, Етар яхшиликдин онга яхшилик.** Дарҳақиқат, кимки ҳуққда ҳам, андишаю дуст тутишда, муомалаю муросяда яхши хусусиятларини намоён этса, пировардида беҳисоб хайру барақа кўради, муроди ҳосил бўлади. Нақл қилишларича,

Сен менга қандай яхшилик қила оласан?! Хотамлигинг, мардлингингдан шу жудур кийимлар қолдими сенга? — дебди. Хотам табассум қилиб айтибди: — Биз ихтиёр айладиқ. Тақдир рози бўлди. Сенга келсак, Хотамнинг меҳмондорчилигидан баҳраманд бўласан. Шу гапдан сўнг Хотам ташқарига чиқибди. Билгани ростлади. Лочин келиб қўнибди. — Эй, дустим, менинг ризким сенда эди. Аммо бу ризқдан воз кечиб, яхшилик қилмасак, гунча ёшидаги йигит ҳалок бўлади. Сен розимисан? — дебди. Қуш бошини қимирлатибди. Хуллас, Хотам лочинни сўйиб, ундан таом тай-ёрлаб, шаҳзодани тўйга-зибди.

Тафаккур бўстони

Хотам кексалик чоғида фақирлар каби бир тоғда макон қурган экан. Унинг бор-йўғи бир лочини бўлиб, у билан овга чиқар, шу орқали тирикчилигини ўтказаркан. Кунлардан бир кун мамлакат шаҳодаларидан бири тоғ сайрини ихтиёр айлабди. Аммо кечга бориб, осмонни қоронғилик чулғади, чамқоқлар чақиб, селу жала қуйибди. Бу саросимада шаҳзоданинг оти ҳуркиб, соҳибини тоғ ёнбағрига олиб қочибди. Натижада хоссоқиларидан ажралган шаҳзода уч куну уч тун тоғда адашиб, очликдан, сувсизликдан маҳолла қуриб, хушсиз йўқлибди. Учунчи кун адоғида уни Хотам тоғлиб олиб, қулба-сига келтирибди, юзига сув сеппибди. Шаҳзода кўзини очиб қараса, жудур кийимда, аммо бениҳоя истарали киши унга мулоийм термулиб турган экан. Шаҳзода бир вақтлар хотамлиги ва саҳийлиги билан етти иқлимда овоза бўлган барокатли зотни танибди. — Эй, Хотам, сенинг ҳолинг меникидан-да аб-горроқ экан. Мен очликдан ўлиб қолишим мумкин.

Алқисса, инсон зийнатларидан энг улуғи — яхшиликдир. Шундай экан, ҳар биримиз элга, юртга, ота-онамизга, қавму қариндошимизга, ёру биродарларимизга, биздан умидворларга имконини тоғиб, меҳр ва оқибат кўрсатсак, бу ҳам яхшилик сифатига ўтиши мукаррар. Зеро, гапнинг индаллоси шу: токи ҳаётсиз, яхшилик жиловини тутинг. У кун келиб орзулаган бахтингизни бошингизга тож қилиб қўндирди.

А. ҚУТБИДДИНОВ тайёрлади.

Инсон ер юзида гўзаллик, поклик, бунёдкорлик тимсоли бўлиши лозим. Ахир унинг номи улуғ, мартабаси юксак. Чунончи, камолот йўлларидан дадил қадам ташлаш унинг бирламчи бурчидир.

Зотан, комил инсон мартабасига ошиқлик хусусиятларига эга бўлиш орқали эришилади. Ошиқлик эса ҳақиқатга, муруватга, ҳимматга, раҳмдилликка, эл дардига малҳамликка, умуман, эзгуликка ва пок ишққа жон фидоликдир. Чунончи, комилликнинг илк поғонаси таълим-тарбияга асосланади. Тарбия — ахлоқни шакллантиради, таълим эса тафаккурга куч беради. Шу икки мезон уйғунлиқда инсонни комиллик сари элтади. Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарига келсак, Хотамнинг меҳмондорчилигидан баҳраманд бўласан. Шу гапдан сўнг Хотам ташқарига чиқибди. Билгани ростлади. Лочин келиб қўнибди. — Эй, дустим, менинг ризким сенда эди. Аммо бу ризқдан воз кечиб, яхшилик қилмасак, гунча ёшидаги йигит ҳалок бўлади. Сен розимисан? — дебди. Қуш бошини қимирлатибди. Хуллас, Хотам лочинни сўйиб, ундан таом тай-ёрлаб, шаҳзодани тўйга-зибди.

Бугун мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом авлодни камол топтириш йўлида амалга оширилган бекиёс ислохотлар самараси кишини лол қолдиради. Озод мамлакатнинг бахтиёр фарзандларига барча шарт-шароитлар яратилди. Бизнинг авлод етти уҳлаб тушида ҳам кўрмаган

миллий адабиётимизнинг тенгсиз намоёндаси, миллатимизнинг гурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир. Дарҳақиқат, Навоийни қадрлаш ўзликни, халқни, тафаккурни, эзгуликни қадрлаш билан баробардир. Шундай экан, Навоий яратган сўз санъати-

берилиб турадиган мумтоз кўшиқларимизни эшитмаганимда, ўзимни йўқотиб қўйишим аниқ эди. Менга қимлигимни "Шашмақом" оҳанглари, сувворалар, мумтоз кўшиқлар англади, десам ҳато бўлмас. Кейинчалик илҳомланиб арузнамо ашёр битишга интилдим. Навоийнинг "Фарҳод ва

бўлган муҳаббатим — бо-лалигим, умидларим, гаму дардларим, орзуларим, қувончларим тажассуми ёнки гулдастаси. Навоийнинг шундай бир байти бор: **Занбурнинг эви каби қўнглим тешук, тешук, Лаълинг хаёли ҳар тешук ичида бол экан...**

Мазмуни, ошиқнинг забун қалби худди ари уясига ўхшайди. Ҳар томир ичра ёр хаёли болга айланади. Қаранг, қанчалар севҳри, мўъжизакор сатрлар. Қўзингизни юмиб тасаввурингизга эрк берсангиз, дилнингиз яйрайди, хузурланади. Навоийнинг ҳар бир асару ана шундай мўъжиза. Умуман олганда, шеърят дилларга бол тортиқ этиши керак. Шунда кўнгиллар янада ажиб чирои очади. Инсон руҳияти эса ундан маънавий озик олиб, гуллаб, яшайди.

Жуманиё ЖАББОРОВ, Ўзбекистон халқ шоири.



ҚАЛБНИНГ НОЁБ ГАВҲАРИ

дуздай порлаган улуғлари таъқибу таъйикдан холи, қадр-қимматлари сарбаланд бўлди. Навқирон авлодимиз Соҳибқирон ва Навоий сиймоларидан ибрат олишга, ҳикматларини қалб дафтарига ёзишга чоғланган. Биз эса ўзлимизга қайтиб, адолатли ва тенгсиз моҳият касб этадиган жамият қуриш орзусида йўлга тушганмиз. Юртбошимиз юқорида тилга олиб ўтилган китобда шеъримизнинг султони хусусида алоҳида тўхталиб қуйидаги фикрни айтадилар: "Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс,

ни қайта-қайта ўрганиш — маънавий тараққиётни маълум даражада белгилаб беради. Умуман, нафақат Навоий, балки Лутфий, Саккокий, Ширин" дostonини ўқиб, ўзимни тоғу тошларда саргардон Фарҳоддай ҳис этдим. Унинг қаҳрамонликларидан ички қувват олдим. Унинг ақали бирон заррасига ўхшаш лозимлиги хаёлимни ўртади. Бадиий меросимиз шу маънода бизни аждодларимиз орзулари ва армонлари билан туташтириб туради. Унга мурожаат этиб туриш эса кишини руҳан бақувват қилиб, ақлини чархлайди. Мен мумтоз адабий санъатлар нуктадонии бўлмасам-да, лекин ҳар сафар Навоийнинг у ёки бу газалини қандай англаганим хусусида ёзиш менга бениҳоя улкан қанот бахш этади. Улуғ шоирга

Туйғу

Бобур, Оғаҳи ва бошқа юзлаб мумтоз адабиётимиз намоёндалари асарларига мурожаат қилиш, улардан баҳра олиш кони фойда, беадад руҳий ва ақлий лаззат манбаидир. Менинг болоғим Иккинчи жаҳон уруши йилларида кечган. Шўроларнинг фикрий истибдоди ўша пайтлар мени банд этгани ҳам бор гап. Агар радиокорнайлардан аҳён-аҳён

Боқий сатрлар

ЗУЛФИЯ, Ўзбекистон халқ шоири.

Олтин куз

... Булут чодирини йиртиб, мўралаб, Чиқса қуёш, қўққа бўламан мафтун. **Севаман нураларда пати ялтираб, Оплоқ кабуларлар қилсалар ўйин.** **Тўзонни ювилган барглар шамолда, Рангини кўз-қўлаб қилганда хузур, Ҳозир тинган ёмғир томчиларида, Олтин япроқларда ёниб тоза нур —** **Гавҳар маржон каби ялтираб турса, Мени ҳам ўрайди шеърин ҳажжон! Қўшини қаршилаб чиқиб айвонга, Нураарга қўмилиб юраман шодон.**

Севаман, олтин куз, севаман жондан! Товусдай безанган дарахт, боғларни! Ёмғирли оқшоминг, қўшили тонинг, Ҳаёлга чўмганим гўзал онларни!



Ҳасан ПАЙДОЕВ сурат-лаҳзаси.

Ибратли ҳикоят

Нақл қилишларича, кунлардан бир кун Луқмони Ҳакимнинг олдида бир гуруҳ кишилар меҳмон бўлиб келишибди. Ҳикматга оид мавзуларда суҳбат қуришибди. Шунда келганлардан бири: "Эй ҳаким, мабодо сен фалон ерда чўпонлик қилиб юрган киши эмасмисан?" деб сўраб қолибди. "Ҳа, ўша чўпонман, — жавоб берибди Луқмон. — Ҳозир кўриб турибсанки, ҳакимман". "Бу даражага қандай эришдинг?" сўрабди яна у. Луқмони Ҳаким унга: "Тўғри сўзлашдан, одамларга яхшилик қилишдан, омонатга хиёнат қилмасликдан, беҳуда гапирмасликдан, мусибат ва қийинчиликларга мардона чидашдан, ўзни барчадан камтар тутишдан", — деб жавоб қайтарибди.

НОДИР МЕРОС

Бериб қуйган яхши

Айрим кишиларда тана ҳарорати меърида бўлса...

да, ҳароратли кунларда ҳам совқотмиш холлари учраб туради. Ушбу ҳолат тиб тилида "Термоампутация" деб юритилади. — Айрим юртдошларимиз ердан оқилона фойдаланишни билишмайди, — дейди олотлик Абдуллажон исми йигит. — Уй устига уй қуришди. Уйлаб қаралса, бу оила эҳтиёжидан ортиқча нарса, кўнгли май-лидан. Ҳолбуки, ўша иморат ўрнидаги ерда мўъжизагина иссиқона қилиб, ҳосил берадиган экин экишса, қандай яхши. Токи ернинг умри зое кетмайди. Мақолаимизни тежамкорлик, исрофгарчилик ҳақидаги ҳаётини бир воқеа баёнидан бошлагандик. Келинг, уни бебаҳо неъмат — нон ҳақидаги сўзлар билан аяқласак. Таниқли адибларимиздан бири "Нонни санъат асаридарожага айлантириб юборган новвойлариимиз бор, — дея ёзган эди. — Бирок бу уни уюл қилиш мумкин, деган маънони англашмайди".

Кўл-оёқ музласа...

қарши қуйидаги амаллар қўлланилса наф беради. Ава-лаамбор, спорт пойабзалларини киймаган бўлсангиз, спорт пойабзаллари оёқларингизни терлашга, намланган пойабзаллар эса оёқларнинг совушига олиб келади. Сунъий тоғали пайпоқлар ҳам оёқ териси иссиғига йўл қўймайди. Ёзда ҳам оёғи совуқ қотадиган кишилар қаҳва ичишдан, тамаки чекишдан сақланишлари даркор. Шунингдек, қора мурч ёки ўткир қаламлар билан таям берилган таомлар кўл-оёқ совушига бир қадар ёрдам беради. Чунки бу зирварлар қон томирларининг кенгайишига омилоклик қилади. **Тальят НАБИЕВ,** тиббиёт фанлари доктори.

Охунжон қизик хангомалари

Бир кун Охунжон қизикка унинг ҳазилкаш дўстлари луқма ташладилар: — Охунжон ака, Ҳусан ва Фотима эгизак кўриб-сиз, бирор товоқ ошга эрисангиз керагуба? — Э-э, албатта, — деди Охунжон қизик пинагини бузмай. — Ниятда бор, албатта, ош қилиб бераман. Аммо кимнинг умри узоқ бўлса, ўша ош ейди.

Машҳур аскиячи Сулаймон қори вафот этиб қолди. Марғилондаги қизикчилар йиғилишиб, унинг оиласига таъзия билдириш учун кетишаватганда, Юсуфжон қизик Охунжон қизикка айтибди: — Охунжон, сез-япсанми, нават қизикчиларга келиб қолди, шекилли! — Тўғри айтисангиз, уста, — дея жавоб қайтарди Охунжон қизик, — аммо паспортга қараб жон олишаватганмиш...

Сахармардон Охунжон қизик ишоби кетаётганмиш. Ҳайрон бўлганлар сўрашибди: — Йўл бўлсин, Охунжон ака? — Ниҳоятда қадрдон дўстим бор, кўрмаганимга ўн йил бўлди. Ўн биринчи йилга ўтиб кетса, дўстликдан асар қол-мас...

Маҳмуд аз-Замаҳшарий дейдики...

Агар сenga нисбатан ўз биродаринг бирор хиёнат қилса, унга яқинлашишдан ўзингни тўй, унинг мақру ҳийласидан ўзингни муҳофаза этишга ҳаракат қил. **Халол-покиза киши доими хотиржаму тинчликда-дир, бировага хиёнат ва ёмонлик қиладиган киши эса нотинчлиғи ҳалокатга гирифтордир.** Ниҳо ва нифоқ мавжуд жойда нохушлик бўлур, қайғу-ҳасрат, фақирликка олиб келур. **Момақалдиқроқли ёмғирнинг ёғиши, ростгўй (ҳақгўй) кишининг ваъдасига вафо қилиши мисоли ёқимдир.**

Қишлоғимизда бешик тўйи ўтказилди. Маросим охирида, уй соҳибининг нимадандир бетоқатлигини пайқадик. Билсак, бир қозон ошининг қарийб ярми ортиб қолибди. Қўни-қўшни, қариндош-уруғларга тарқатиб чиқишса ҳам қозоннинг тағи кўринмасмиш. Хуллас, таомнинг бир қисми исроф бўлди.

— Кайвонининг сўзига кириб, гурчунчи ошлағча кўпроқ дамлатгандик, — деди уй эгаси афсус чеккан қўни. У ортиқча исрофгарчиликка йўл қўйганидан пушаймон бўлди. Аммо тўй ёки бошқа маросимларда даб-дабобозликка берилган, эҳтиёждан ортиб исроф бўлган егуликларни кўрганда пинагини ҳам бузмайдиган кишилар оз эмас. — Раҳматли онам ана шундай қишлоқдошларимизга қарата: "Бу увол-ку, ахир. Фалончи, мён сенинг бобонгни яхши эслайман. Урушдан кейинги қаҳатчилик йилларида кун-жара еб ўлишига бир баҳа қолганди", дея эслайди гўжудонлик Аҳтам ака. Инсон табияти қизик. Ниманидир хор қилади-ю, бир кун келиб ўшанга зориқиб қолади. Ваҳолонки, муборак ҳадисларнинг бирида "Кимки ҳаётда тежамкор бўлса, зинҳор

Исроф

қашшоқликка тушмайди", дейилади. — Ҳадиси шарифларнинг бирида "Бойликда ҳам, фақирликда ҳам, ибодатда ҳам ўртаҳол бўлиш яхши", дея зикр этилган, — дейди меҳнат фаж-зое кетмайди. Мақолаимизни тежамкорлик, исрофгарчилик ҳақидаги ҳаётини бир воқеа баёнидан бошлагандик. Келинг, уни бебаҳо неъмат — нон ҳақидаги сўзлар билан аяқласак. Таниқли адибларимиздан бири "Нонни санъат асаридарожага айлантириб юборган новвойлариимиз бор, — дея ёзган эди. — Бирок бу уни уюл қилиш мумкин, деган маънони англашмайди".

Мулоҳаза

рийси Музробжон Амонов. — Бунинг замирида одамларни исрофгарчиликдан қайтариб, уларни тежамкор бўлишга даъват этиш гоёси ётади. Табиат инсон учун бебаҳо неъматларни ҳада қилган. Айтилди, бу ёруғ оламни сувсиз тасаввур этиб бўлмайди. Биз кўриб турган барча нарсаларнинг замирини сув ташкил қилади. Аммо сувдан ҳуда-беҳуда фойдаланаётганларни кўриб

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1003. 32963 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда. **ТЕЛЕФОНЛАР:** Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25. ISSN 2010-8788

ТАХРИРАТГА КЕЛГАН ҚўЗМАЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРМАЙДИ.

РЕКЛАМА МАТЕРИАЛЛАРИ УЧУН ТАХРИРИЯТ ЖАВОБГАР ЭМАС. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан таҳрирланди. **1-Тижорат материаллари**

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — У. Фаёзиёва. Навбатчи — М. Охунова. Мусаҳҳаҳ — С. Исмолов.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босямоҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 00.45 Топширилди — 01.15 1 2 3 4 5